

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган.

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 176 (10.229)

2004 ЙИЛ 13 СЕНТЯБРЬ

ПОЙТАХТНИНГ Бир кўни

Янгиликлар, воқеалар

Кўсқа

● **ЯҚКАСАРОЙ** туманидаги кам таъминланган оилалар фарзандлари, хомийликка олинган болалар ҳамда туман ногирон болаларни ижтимоий муҳофаза қилиш КРИДИ ташкилоти аъзоларига Меҳр ва муруват йили муносабати билан «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда «Камалак» болалар ташкилотининг туман бўлими томонидан канцелярия моллари тухфа қилинди.

● **КЕЧА** Тошкент Олий умумқўшин кўмондонлик билим юртида ёш курсантларнинг қасамдб қабул қилиш маросими бўлиб ўтди.

● **БУНЁДҚОР** ёшлар телеклубида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши ташаббуси билан ўтказилган семинар-тренинг «Сийёсий партиялар ва ёшлар» деб номланди.

● **ДАВЛАТ** мулк қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан уюштирилган тадбирда хусусий сектор ривожига янада эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди.

● **СОҒЛОМ** авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ташаббуси билан шаҳримизда уюштирилган анжуман ногирон болалар «Сам-Викт» ташкилоти тузилганлигининг беш йиллигига бағишланди.

● **МИЛЛИЙ** матбуот марказида «Кўзгу», «Ўзбектелефильм» студиялари ҳамкорликларида яратилган «Юлдузис осмон» фильми ижодкорлари билан матбуот анжумани ташкил этилди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Фанлар академияси Тупроқшунослик ва агрокимий институтига тупроқшунос олим, профессор Маждид Умаров хотира-сига бағишланган кеча ҳамда тупроқшунослик соҳасини ривожлантириш омиллари мавзусидаги конференция бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот хизмати ва ўз
мухбирларимиз хабарларидан.



«Иготекс» масъулияти чекланган жамиятида кўли гул тикувчиларимиз томонидан тайёрланган мавсумбоп кийимлар ўзининг сифати ва бежиримлиги билан харидорлар талабини қондирмоқда.

СУРАТДА: корхонанинг энг ёш ва ўз ишига талабчан тикувчиси Азиза Нурматова касбидан мамнун.

Узоқ тарихи ва бой маданияти билан чех халқи миллий ўзлигини сақлаб қолган халқ сифатида бошқаларга ўрнак бўла олади. Чех қироллари тарихида Европа империяларини бошқарган. Чехлар бир неча аср илгари ўз давлатчилигини йўқотган бўлсада, доимо ўз тақдирларини ва келажакларини ўзлари белгилашга ҳаракат қилиб келганлар.

Биринчи жаҳон уруши даврида Австрия-Венгрия империяси парчаланиб кетиши натижасида Европа харитасида чехлар ва словакларнинг давлатлари

Мамлакат иқтисодий ютуқлари Чехиянинг ҳозирги Президенти Вацлав Клаус билан боғлиқ. Банкларда ва молия вазирлигида катта тажриба ортиртган йирик иқтисодчи олим, 1992-1997 йилларда Бош вазир лавозимини эгаллади. У Чехия иқтисодий ислохотларининг «отаси» ҳисобланади. Хукумат бошлиғи лавозимида доктор Клаус прагматик яратувчилик тамониларига амал қилиб, сиёсатчи учун ҳафли бўлган монетаризмга қарам эмаслигини кўрсатди ва аниқ шароитлардан келиб чиқиб иш тутди.

Айтиш кераки, В.Клаус Ўзбекистонга ўзининг биринчи таширифини Бош вазир сифатида 1997 йилда амалга оширган. Агар Президент Ислам Каримовнинг ўша йили январь ойида Чехияга амалга оширган таширифи икки мамлакат ўртасидаги сиёсий мулоқотларни бошлаб берган бўлса, В.Клауснинг юртимизга

ОЛТИН ПРАГА ВА НОН ШАҲРИ ТОШКЕНТ

КЕЧА ЧЕХИЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
ВАЦЛАВ КЛАУСНИНГ МАМЛАКАТИМИЗГА
РАСМИЙ ТАШИРИФИ БОШЛАНДИ.

Чехословакия Иккинчи жаҳон урушининг бошланғунига қадар фашизм қурбони бўлган. Биз айтишимиз мумкинки, 1945 йил май ойида курашга отланган прагаликларга ерданга келганлар орасида бизнинг оталаримиз ва болаларимиз ҳам бўлганлар. Афсуслар бўлсинки, 1968 йилнинг августида «Прага баҳори»ни топтаган танқиллар орасида Ўзбекистондан хизматга чақирилган йигитлар ҳам бўлган.

Бу юртда тоталитаризм 80-йилларнинг охирида кулониб ва қонсиз, демократик йўл билан барҳам топди. Бир неча йил ўтиб чехлар ва словаклар мавжуд муаммоларни бир бирини тушунган ҳолда ҳал қилишиб, яна бир марта жаҳонга намуна бўлишди. 1993 йил 1 январидан янги суверен давлат — Чехия Республикасининг тарихи бошланди.

90-йилларда Чехияда кенг кўламли ислохотлар амалга оширилади ва бунинг натижасида мамлакат иқтисодий ривожланиши ва бозор ислохотлари жиҳатидан Марказий ва Шарқий Европа давлатлари ўртасида юқори мавқеъларга эришди. Бир мисол: охириги ўн йил ичида чехия иқтисодидаги киритилган сармоялар 40 миллиард долларга тенг бўлди. Шу йилнинг май ойида Европа иттифоқининг тенг ҳуқуқи аъзоси бўлган Чехия асосий макроиктисодий кўрсаткичларини ўсиб боришида давом этмоқда.

таширифи эса савдо-иқтисодий ҳамкорлигимизни янада мустаҳкамлади.

Ўзбекистонда Чехия корхоналарида ишлаб чиқарилган брендларни азалдан яқши билишадди. Биз чех матоларини ва пойабзалини кийимиз, чех доридармонларидан фойдаланамиз ва чех вивосини истеъмол қиламиз. Кўпгина тошкентликлар чех машинасозлари ишлаб чиқарган ва шаҳар кўчаларида катнаётган 90 дан ошиб «Татра» 130 дан ошиб «Шкода» троллейбусларидан фойдаланишадилар. Мамлакатларимиз ўртасидаги товар айланиши бир неча ўн миллион долларни ташкил этади ва шубҳа йўқки бу рақамлар яна ўсиб боради. Бугунга келиб республикада 30дан ортиқ қўшма ёки юз фоиз чех капитали билан ишловчи корхоналар мавжуд. Президент Вацлав Клауснинг Ўзбекистонга таширифи, юқори даражадаги келишув ва имзоланиши қутилаётган ҳужжатлар бизларнинг ҳам иқтисодда, ҳам бошқа муҳим соҳалардаги ўзаро муносабатларимизни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Чунки бугунги икки томонлама алоқаларимиз асосида нафақат иқтисодий манфаат ва фойда, балки азалдан синалган бир бирига бўлган ўзаро хайрихоҳлик ётади.

Олег ШАТУНОВСКИЙ,
ИА «Жаҳон»

XXI сақоси

Барча маббалардан олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

● Ўзбекистон пахтачилик илмий-тадқиқот институтида қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, қишлоқ ҳўжалик илмий ишлаб чиқариш маркази, қурғоқчилик минтақаларида қишлоқ ҳўжалиги бўйича илмий тадқиқотлар халқаро маркази (ИКАРДА) ҳамкорлигида юртимизда пахтачилик ва галлачиликни янада ривожлантириш муаммоларига бағишланган халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

● Кейинги йилларда Ўзбекистон ва Хиндистон ўртасидаги савдо айланмаси 2,7 бараварга ўсди. Хусусан, 2003 йилда у 108 миллион долларга етди. Тошкентда ўтказилган Ўзбекистон ва Хиндистон савдо-саноат палаталари вакиллари бирлашган кенгашининг иккинчи мажлисида шу ҳақда гапирилди.

● Самарқанднинг Урганч тумани аҳолиси катта қулайликка эга бўлди. Туманда «Хуавей» (Хитой) компаниясининг 5 мид мижозга хизмат кўрсатувчи замонавий АТСи ишга тушди.

Жаҳонда

● Фаластин автономия бош вазир Аҳмад Курей ўз хоҳиши билан истеъфога чиқди. Унинг баёнотига қўра, бу қарорга келишга муҳторият бўлиши Ёсир Арофат билан қарашлари бир-бирига тўғри келмаётганлиги сабаб бўлган.

● Бесландаги қабиҳ ва жирканч воқеаларни уюштирган ва бошқариб турган террорчининг шахси аниқланди. «Полковник» лақабли бу кимса Руслан Хучбаров бўлиб, у кўп йиллардан бери Россия ички ишлар ҳодимлари томонидан қотилликда айбланиб қидирилаётган эди.

● Россиянинг Красноярск худудида эндиликда ҳар бир мактабда хавфсизлик бўйича директор муовини вазифаси тайинланди. Бу ҳақда губернатор Александр Хлопонин хабар берди.

● Мана бир неча йилдирки Японияда кечаётган «Сонгда» тўфони оқибатида 30 киши ҳалок бўлган. Аини дамда Япониянинг Шимолий қисмидаги Хаккайдо ороли тўфондан жиддий зарар кўрган.

Осиё чемпионати — 2004



ЯНА ПОЙТАХТДА УЧРАШГУНЧА!

КЕЧА «Тошкент теннис маркази» спорт мажмуаси кортида бир ҳафта мобайнида давом этган Осиё чемпионатининг қизғин баҳслари поёнига етди.


Илгари хабар қилганимиздек, бизнинг ҳамюртларимизга бу сафарги чемпионатнинг ақалик ўйинларида дастлабки босқичдан омад келмади.

Эрақлар жамоаси етакчиси Вадим Куценко биринчи ўинида Диас Дос

каревини (Козогистон) уч сетда маглубитга учратган бўлсада, аммо кейинги даврада бир неча имкониятларидан тўғри фойдалана олмагани тўғриси, ярим финалга чиқа олмади. Натижада рейтинг даражаси бўйича Вадимдан икки ярим баравар паст турган хитойлик Шао Хуан Зенг нимчорак финалга чиқиб олди.

Давоми 8-бетда.





**Оламда
нима гап?**

**Жаҳон ва маҳаллий
ахборот воситалари
хабарларидан**

● Буюк Британияда ўтказилган статистик тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, мамлакатнинг кўпчилиги аҳолиси АКШ Президентлигига сайловларда демократ Жон Керрининг голиб чиқишини исташар экан. Бу ҳақда Reuters агентлиги маълум қилди. POPULOS агентлиги ўтказган сўровномада 1009 киши иштирок этди. Олинган маълумотларга кўра, бутун мамлакат бўйича 52 фоиз британияликлар Керрини қўллаб-қувватлашяпти. АКШнинг хозирги Президенти Жорж Бушни эса 29 фоиз британияликлар ёқлаб чиққан.

● Бирлашган Миллатлар Ташкилати ва Афғонистондаги инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил комиссиянинг фикрича, бу мамлакатда октябрь ойида ўтадиган президентлик сайловлари чоғида сайлов участкаларидаги хавфсизликни таъминлаш жуда мушкул бўлади. Экспертлар шунингдек, овоз бериш натижаларини сохталаштириш эҳтимоли ҳам катта бўлади, деб ҳисобламоқдалар.

● Россия Федерал хавфсизлик хизмати чечен сепаратист раҳбарлари Аслан Масхадов ва Шамил Басаев ҳақидаги маълумот учун 300 миллион рубль (10 миллион доллар) тўлашга тайёр. Федерал хавфсизлик хизмати Масхадов ва Басаевни йўқ қилишда ердам бериб, ишончли маълумот тақдим этганларнинг шахси сир сақланиши ва хавфсизлиги таъминланишини маълум қилди.

● Хитойда қабул қилинган янги қонунга кўра энди Интернет орқали тижорат мақсадларида ахлоқсиз материалларни тарқатган шахс қаттиқ жазоланади — бу жазо ҳатто умрбод қамоқ жазоси ҳам бўлиши мумкин. Ушбу қонунни қабул қилган Хитой Олий халқ суди вакилларининг айтишича, бу янги тартибдан мақсад жамоат алоқалари тармоқлари ишини меъраллаштиришдир.

● Флоридада бир неча кундан буён «Фрэнсис» деб номлануви довул давом этмоқда. Натижада кўплаб иншоотлар ва турар жой биноларига жиддий зарар етмоқда. Шу муносабат билан маҳаллий ҳукумат флоридаликлари кўчага чиқмасликка мажбур. Айни пайтда 2 миллион уйлар электр энергисисиз қолди, 2,5 миллион аҳоли хавфсиз жойларга кўчирилди.

● Россияда юз берган террористик воқеалардан сўнг, темир йўл хизматида фаолият кўрсатаётган харбийлар сонини кўпайтирилди. Бундан буён йўловчи ташиш поездларининг кузатувчиларига турли жўнатмаларни олиш ҳам ман этилди.

● Буюк Британияда жиноятчиларни кузатишининг янги тизими жорий қилинмоқда. Эндиликда муддатидан аввал озодликка чиқарилган, шартли ҳукми қилинган ва ахлоқ-тартиб муносабаларига жазони ўташга юборилган барча жиноятчилар махсус электрон қурilmаларни тақиб юришларига тўғри келади. Қурилма кеча-ю кундуз назорат олиб бориш имконини беради.

— Кеча телевизорда берилган ахборотни кўрдингизми?

— Кўрдим. Яна Бесландаги 1-мактабда бўлиб ўтган қонли воқеаларни кўрсатишди.

— Вой ахир, бу қандай кўргуликки, ўша Худо беҳабарлар наҳотки бокира қалб ёш гўдакларни беаёв ўққа туттишса, уларнинг уволидан кўрқимасми?

— Ҳа, бу ўтакетган қабоҳат, даҳшат ва разолатни бутун жаҳон аҳли кўряпти. Терроризмнинг мудҳиш бало эканлигини яна бир бор юракдан ҳис қиляпти. Бу фожиадан жунбушга келган инсонлар терроризм малайларига лаънатлар ўқимоқда. Иншооллоҳ кўпчиликнинг дуоси ижобат бўлиб уларни рағбатлантириб турган жаллодларга ҳам боққан бало бор.

Чиндан ҳам ўзимиз кўриб, эшитиб турибмиз. Ҳали ҳаёт лаъзатига тўйиб улгурмаган гўдакларнинг тобути кўтарилмоқда. Ўша кунни яхши ният билан болаларини мактабгача кузатиб борган ота-оналар, ўз ўқувчиларини севина-севина кучонига олган мураббийлар сўнгги йўлга кузатишмоқда. Бугун эса гамбода ҳаёлларимизда хўш нега шундай бўлди? Нега бу фожиа рўй берди? Шундай бўлмалиги ҳам мумкин эди-ку, деган саволлар ўз аксини топиб турибди. Ўзимизча бу жумбоқларга жавоб излаймиз. Турлича ўй-фикрларга борамиз.

Агар ақлан мушоҳада қилиб кўрсак, ўша мактаб бедарвоза эмасди. Унинг дарвозасидан кириб-чиқиб турган одамлар бор эди. Наҳотки, келажак авлод таълим олаётган бу кўтлуг даргоҳга бегона кўз олайганини, шумқадам оралаганини ҳеч ким билмай қолган бўлса? Мана шу савол қаршисида бир дам лол қоламиз. Ахир бу жиноятга қўл урганлар барча ишни бирланига амалга оширмаганку. Бундай мудҳиш режаларни хўб ўйлаб, олинган унинг «лойиҳа»сини тузиб юришган. Истамизми, истамизми айтишга мажбур бўламиз. Худди мана шу ерда яна лоқайликка йўл қўйилганлиги, хўшёрлик ва огоҳлик йўқотилганлиги ўз-ўзидан кўриниб турибди. Аслида «Ўз уйингни, ўз юртингни

ни ўзинг асра» деган сўзнинг моҳияти ҳам мана шунда.

Бировнинг чўнтагини ёки уйини ўғри уриб кетса, ачинса-да, кўнглимиздан наҳот ўша жабрдийдани шунчалик гафлат босмаса деган гап ўтади. Баъзан эса унинг бу қадар бепарволитидан қуламиз ҳам. Гоҳо шундай бўладики, бу воқеаларни эшитиб, баъзан кўра била туриб, «менга нима» деб қўл ситтаб ўтамыз. Эртага ўша ўғри ўзимизга, оиламизга зиён-заҳмат етказишини ўйламаймиз. Аслида бугунги

Огоҳлик — давр талаби

ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК БАРҚАРОР БЎЛСИН

Бугун ҳамманинг эътибори ва нигоҳи Шимолий Осетия воқеаларига қаратилган. Ҳамманинг оғзида бир гап.

рўй бераётган портлашлар, кўнглисиз фожиалар тағида ҳам мана шу лоқайлигимиз ётибди. Юрбошимиз таъкидлаганидек, ҳаммиша хўшёр ва огоҳ туриб бир ёқдан бош чиқарганимизда бугунги фожиаларнинг оқди олинган бўлар эди.

Терроризм ўзининг юзини яна бир бор кўрсатди. Динни қурол қилган бу ашаддий қонхўрлар бу сафар ўз ақидаларига қарши боришди, динни оёқ ости қилишди. Шундай дейишга ҳақли эканлигини билишмайми? Билишди. Шундай экан уларнинг мақсадлари динга содиқлик эмас, балки динни ўзларига хизмат қилдиришга уринишдан бошқа нарса эмас дейишга тўла ҳақли-

миз. Бундайларнинг алдовига учиб, Худо берган умрини бевақт ҳазон қиладиган лақмаларга айтадиган сўзимиз шукки, аслида ўз жонига қасд қилувчилар камикадзелар деб аталиб, улар ўша машғум уруш йиллари эпюнолар орасида кенг тарқалган. Била туриб ўз ўлимга тик борган япон камикадзелари Ваган озодлиги йўлида, ўз халқини ҳимоя қилиш йўлида ҳар лаҳзада жон фидо қилишга тайёр турганлар. Бугунги камикадзелар (агар уларни шундай деб аташ мумкин бўлса) ким, нима йўлида жонларини фидо қилишяпти? Ўлимга тик бораётган бу кимсалар ҳеч бўлмаса мана шу саволни ўйлаб кўришмадимми экан?

Ҳаёт билан ўлим ёнма-ён юрганидек, ҳар бир даврнинг ўзига хос қушандаси бўлади. Ўйлаб қарасак, бугун бизнинг тинчлигимизга раҳна солаётган бало-қазо — терроризм. Унинг қилмишлари туғайли инсоният бошига ёғилаётган бу кулфатдан биз ҳам четда қолаётганимиз йўқ. Шу йилнинг март ва июль ойларида шаҳримизда рўй берган портлашлар бунинг мисоли. Мамлакатимиз Президентини Ислому Каримов Ўзбекистон телевидениеси учун берган махсус интервьюсида жумладан шундай дейди: «Ҳеч қандай шубҳа йўқки, қабиҳий дейил билан юрган кимсалар ҳар қанча уринмасин, улар юртимиздаги тинчлик ва осойишталикка раҳна солмайди, халқимизнинг иродини бузқолмайди, бизни ўз танлаган йўлимиздан қайтаролмайди».

Бир сўз билан айтганда, Бесландаги террорчилик дунё ҳамжамияти томонидан қораланмоқда. Барча давлатлар, халқаро ташкилотлар раҳбарлари бу зўравонликни лаънатламоқда. Бегуноҳ одамлар гаровга олинишини ҳеч қандай сабаблар билан оқлаб бўлмаганини таъкидламоқдалар. Бундан келиб чиқадиган гап шукки, биз бугунги ташвишли кунларда юқоридагилардан ҳулоса чиқариб тинчлик ва хотиржамлигимизни сақлаш учун ҳаммиша хўшёр ва огоҳ турмоғимиз лозим. Ана шундангина осмонимиз мусаффо бўлишига эришамиз.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ

**ЛИЗИНГ -
ТАДБИРКОРЛАР
ҲОМИЙСИ**

Маҳаллий хом ашё асосида маҳсулот ишлаб чиқараётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларини амалга оширишда лизинг хизматининг аҳамияти катта. «Осиё-Европа траст» компанияси ана шундай лойиҳаларни рўйбга қилиш мақсадида етти ярим миллион АКШ долларини миқдоридидаги технологик линияларни жалб қилди. Бунинг натижасида четдан валютга олиб келинаётган ўттиздан зиёд турдаги маҳсулотни маҳаллийлаштиришга эришилди.

— Ушбу маблағ ҳисобидан тадбиркорларга полиэтилендан пакетлар тайёрлаш ва мрамарни қайта ишлаш ускуналари etkazиб берилди. — дейди компания бош директори Марат Ҳақимов Ўза муҳбирига. — Айни вақтда замонавий мактаб бинолари ва касб-ҳунаро коллежлари, спорт мажмуаларига қурилиш материаллари тайёрлайдиган корхоналарга ҳам ўн турдаги зарур техника топширилди. Бу эса 2004-2009 йилларда мактаб таълимни ривожлантириш умуммиллий давлат дастурида қўзда тутилган бунёдкорлик ишларини амалга оширишга хизмат қилади.

Шу йил 14 сентябрдан 14 октябргача мамлакатимизда Япония маданияти кунлари бўлиб ўтади. Анъананага айланган ушбу тадбир юртимиз ҳамда Кунчиқар мамлакат ўртасида ўзаро маданий-маърифий алоқаларни янада ривожлантириш ҳамда халқимизни япон маданияти ва санъати билан яқиндан таништиришдек хайрли мақсадга хизмат қилади.

**ЎЗБЕКИСТОНДА ЯПОНИЯ
МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ**

Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги савдо-иқтисодий ва маданий алоқалар олис тарихга бориб тақалади. Бу ҳамкорлик айниқса Буюк Ипак йўли гуллаб-яшнаган даврда фаол ривожланган. Икки мамлакатнинг давлатларо ва халқаро миқёсдаги том маънодаги муносабатлари Ватанимиз мустақилликка эришганидан кейин янги, юқори босқичга кўтарилди.

Барча жаҳонлардаги ўзаро ҳамкорлик давлатимиз раҳбари Ислому Каримовнинг 1994 йил май ойида Японияга расмий ташрифидан сўнг жадал ривожланиш палласига кирди. Президентимизнинг 2002 йил июлида Токиога амалга ошган навбатдаги расмий ташрифи сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий-маданий соҳалардаги муносабатларни янги босқичга кўтарди. Ушбу ташриф чоғида имзоланган қатор ҳужжатлар, хусусан, Дўстлик,

стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма баёнот мамлакатларимизни, халқларимизни бир-бирига янада яқинлаштиришга хизмат қилмоқда.

Япония маданияти кунларининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Фармойиши билан тасдиқланган дастуридан жой олган маданий тадбирлар жуда ранг-баранг. Жумладан, «Ўзбекино» Миллий агентлиги ва Кунчиқар юрт элчи-хониси ҳамкорлигида япон фильмлари фестивали бўлиб ўтади. Ҳамюртларимиз нафақат Япония кино санъати, балки ушбу мамлакатнинг кўҳна ва ўлмас анъаналари, урф-одатлари, табиати, одамларининг турмуш тарзи билан яқиндан танишиш имконига эга бўлади.

Алишер Навоий номидаги Давлат академик Катта театрида япониялик санъат усталари ҳамда «Сўғдийна» ўзбек миллий чолғу асбоб-

лари камер оркестри уюштиражак «Ўзбекистон—Япония дўстлик концерти» санъат икхлосмандларида катта қизиқиш ўйотиши табиий. Бундай қизиқарли тадбирлар нафақат пойтахтимизда, балки кўҳна Самарқанд ва сўлим Фарғона шаҳарларида ҳам бўлиб ўтади.

Азалдан табиатга айрича эҳтирочи билан ажралиб турувчи япон халқи гулларга, сайқал беришни санъат даражасига кўтарган, дунёга икебана ижодкори сифатида танилган. Пойтахтимиз ҳамда Фарғонадаги бир қанча маърифат масканларида икебана — гулдаста тузаш санъати намойиши бўлиб ўтади.

Юртимизда ўтажак Япония маданияти кунлари чиннакам санъат ва маданият байрамига айланади, қизиқарли учрашув ва ранг-баранг таассуротларга бой бўлади.

Назokat УСМОНОВА,
Ўза муҳбири

«Камолот»:
тўқнақлардан
хабарлар
МИРОБОД

Куни кеча «Бунёдкор» ёшлар телеклубида «Камолот» ЕИХ Миробод туман бўлими Кенгаши томонидан Миробод туманида жойлашган мактабларнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича раҳбар ўринбосарлари, илмий бўлим мудирлари ҳамда метод бирлашмалари ходимлари учун 2004-2005 янги ўқув йилига тайёргарлик, жойларда сайловларни ўтказиш, бошлангич ташкилот хоналарини жиҳозлаш ва матбуот маркази ишини йўлга қўйиш бўйича махсус ўқув-семинари ўтказилди.

Шунингдек, «Камолот» ЕИХ Тошкент шаҳар бўлими, Юнусобод тумани ҳамда Миробод тумани бўлими томонидан шаҳримизда жойлашган 31-Меҳрибонлик уйда катта тадбир ўтказилди. Тадбирнинг ташкилий қисмини «Камолот» ЕИХ Юнусобод туман бўлими, байрам концертини эса Миробод тумани бўлими Кенгаши ташкил этди. Болажонлар учун байрам совгалари Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши томонидан топширилди.

СЕРГЕЛИ

Сергели туманидаги умумтаълим мактабларининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича раҳбар ўринбосарлари, мактаб етакчилари ҳамда синф раҳбарлари учун Политехника касб-хунар коллежида семинар-тренинг ўтказилди.

Семинарни ўтказишдан асосий мақсад «Камолот» ЕИХ бошлангич ташкилот фаолиятини ривожлантириш ҳамда синф, мактаб, туман сардорлар кенгаши аъзоларининг сайловларини демократик тамойилларга асосланган ҳолда ўтказишдир. Семинар давомида қатнашчиларга услубий қўлланмалар, плакатлар тарқатилди.

Шунингдек, «Камолот» ЕИХ Сергели туман бўлими ва Шукур Бурхонов номидаги маҳалла ташаббускорлиги остида очилган «Ёшлар марказининг 3 йиллик байрами нишонланди. Байрамда маҳалла ёшлари томонидан яратилган турли хил ижод намуналаридан кўргазма ташкил этилди. Шу билан бирга туман сардорлар кенгаши ташаббуси билан концерт дастури намойиш этилди.

«Камолот» ЕИХ Сергели туман бўлими Кенгаши томонидан тумандаги кам таъминланган, имконияти чекланган болалар учун ижтимоий-иқтисодий ёрдам кўрсатилди.

БЕКТЕМИР

Бектемир туманида жойлашган Г.Красницкий номи йўндоғида Бектемир туман ҳокимлиги, «Камолот» ЕИХ Бектемир туман бўлими, туман халқ таълими бўлими, туман маданият бўлими ва бошқа мутасадди ташкилотлар томонидан байрам сайли ўтказилди.

Бундан ташқари «Камолот» ЕИХ Бектемир туман бўлими Кенгаши томонидан уруш ва уруш ортида меҳнат қилган фахрийлардан 41 нафарининг ҳолидан хабар олинди.

Юлдузхон
ИБРАГИМОВА,
«Бунёдкор» ёшлар
телеклуби
ижодий ходими.

Пойтахтимиздаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида «Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг суд ва суддан ташқари тизимлари ўртасидаги муносабатлар: халқаро тажриба» мавзуда илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Тадбир Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг /ЕХХТ/ Тошкентдаги маркази ҳамкорлигида ташкил этилди.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ —
ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Мамакатимизда ҳуқуқий-демократик давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида олиб борилаётган ислохотлардан кўзланган мақсад аввало фуқаролар манфаатлари ҳимоясини кучайтиришга қаратилган. Суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ўзгаришлар, жинсий жазоларнинг либераллаштирилиши фуқаролар ҳуқуқларини амалда кўпроқ ҳимоялаш тизими шаклланишига замин яратяпти.

Айни вақтда юртимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи қатор институтлар, давлат ва нодавлат ташкилотлари фаолият олиб бораёти. Жумладан, Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ўз фаолияти давомида кўплаб фуқаролар ҳуқуқлари тикланишида муҳим роль ўйнаётди.

ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси вакили Б.Кайнц хоним мамлакатимизда қисқа давр ичида шакланган инсон ҳуқуқлари институтлари фаолиятини юқори баҳолади. Бундай демократик ўзгаришлар ЕХХТ томонидан доим қўллаб-қувватланишини алоҳида таъкидлади.

Анжуманда судлар ва омбудсманлар ўртасидаги ҳамкорликнинг турли шакллари ҳақида мулоҳазалар билдирилди. Инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги муаммоларни ечишда демократик институтларни янада ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга эканлигига эътибор қаратилди.

Норгул
АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири

КОНСТИТУЦИЯВИЙ
СУДДАГИ УЧРАШУВ

Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХХТ) Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг қонун устуворлиги масалалари бўйича эксперти Биргит Кайнц, Польша Республикаси Конституциявий трибунали судьяси Мирослав Вирзиковский ҳамда ЕХХТнинг Тошкентдаги маркази раҳбари вазифасини бажарувчи Пер Нурмак Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси М.Абдусаломов билан учрашди.

Юртимизда суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш борасидаги ислохотлар изчил ва босқичма-босқич амалга оширилаётгани, соҳада кўплаб қонунлар, меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб, замон талаблари асосида янада такомиллаштирилаётгани таъкидланди. Конституциявий суднинг жамят ҳаётидаги ўрни ва роли тобора ошмоқда.

Учрашувда юртимизда суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш жараёнлари айнан демократик ҳуқуқий давлат талабларига мос олиб борилаётганига эътибор қаратилди. Қабул қилинаётган

қонунлар, ўтказилаётган суд-ҳуқуқ ислохоти инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш учун мустақкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда. Бу муҳим йўналишда халқаро андозалар ва хориж тажрибасини ўрганиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини янада кенроқ таъминлаш йўллари нишлаб чиқиш борасида ривожланган мамлакатлар суд тизими ва суд бошқаруви тажрибасини ўрганиш ҳам муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Ширкатларда

АҲОЛИ ИШОНЧИННИ
ОҚЛАШ ЙЎЛИДА

Юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг туб моҳияти инсон ва унинг манфаатларига хизмат қилишга қаратилганлиги билан эътиборлидир. Шу мақсадларда тузилган, яшовчилар ишончини қозонаётган, улар билан баҳамжиҳатликда меҳнат қилиб хонадон эгаларига эгаллик ҳиссини шакллантиришга муҳим ҳисса қўшаётган уй-жой мулкдорлари ширкатлари кўплаб топилади.

Мирзо Улуғбек туманида жойлашган «БИИ коммуналчи» ширкати раҳбари Ольга Коваленко билан танишар эканмиз, очиги ҳайратимизни яширолмадик, — ёқимтойгина, кичик жуссалы, 22-23 ёшлардаги аёл каттагина ширкатни муваффақиятли бошқармоқда.

— Ҳар қандай шароитда ҳам мулк, яъни турар жой биноси эгаси эканлигини ҳар бир ширкат аъзоси яхши англамоғи керак, — дейди Ольга Коваленко. — Шу боисдан ҳам уни обод этиш ҳам, каровсиз қолдириб зарар қўриш ҳам ўзимизга боғлиқ. Ширкатимиз 2002 йилда ташкил этилган бўлиб, тасарруфимизда 62 та турар жой бинолари мавжуд, ҳар бир хонадон эгаларига шу ҳақда бот-бот тушунтирилади. Шунинг учун бўлса керак, ҳамжиҳатлик яхши самаралар бермоқда. Авваламб анчагина муаммоларга дуч келдик, негаки биринчи йил кузги-қишқи мавсумга тайёргарлик ишлари кўнгалдагидай бажарилмади, шунинг учун ҳам носозликлар айни мавсумда панд берди. Ана шундан хулоса чиқариб, эрта баҳордан катъий режа асосида ҳар бир уйнинг ҳолатини яхшилаш, носозликларни тугатиш чора-тадбирларини кўра бошладик. Бунинг учун эса асосийси, кадрларни тўғри танлашга эътибор қаратдик.

Натижа эса икки мавсумда яққол кўринди, қолди. Демакки, ишласанг, излансанг, самараси яхши бўлишини англаб етдик. Ширкат ходимлари кейинги йилларда ишларни жонлантиришга эришди. Ҳабиб Абдуллаев кўчасидаги 36- ва 42-уйлар ширкат кучи билан капитал таъмирдан чиқарилди. Барча хонадонларга совуқ, иссиқ

сувларга ҳисоблагичлар ўрнатилди. Жумладан, йилнинг учинчи чорагида 2-титул бўйича 54-уй, 50- ва 42 «А» уйлари таъмирлаш тугалланди.

Ҳамкорлик тўғрисида ҳам ширкат аъзолари Мирзо Улуғбек туман ҳудудий коммунал таъмирлаш-аварияни тиклаш хизмати билан манфаатли ҳамкорликка асосланган ҳолда иш олиб бормоқдалар. Қув



нарлиси, ширкат уйлари кузги-қишқи мавсумга тайёрлаш учун арзон нархларда битум-қора сақич олади. Жумладан, керак бўлганда транспорт воситалари — компрессор, трактор, тиркамалар ажратилади.

Ширкат жамоаси «Бўз-8» маҳалласи раиси, фаоллари билан ҳам яқин алоқалар ўрнатишган, бундан ташқари ҳар бир уйда қўни-қўшилар, уй учун жон куйдирувчи бошқарувчилар энг яхши кўмакчилар саналади. Улар тўловларни амалга



оширишда ходимларга яқиндан ёрдам берилади. Ширкатдаги малакали, ўз ишининг усталари бўлган чилангарлар — Слава Кальченко, Сергей Зиновьев, Славик Бузаровлар хонадон аҳлининг ишончини қозонган ҳамда намунали хизматлари учун олқиш олмақдалар.


Ширкат ходимлари келгусида анчагина ишларни бажаришни режалаб қўйган. Ҳисоб-китобнинг тўғри бажарилиши, бошқарув аъзолари олдида бу ҳақда вақти-вақти билан ахборот бериш, диспетчерлик хизматининг яхши ташкил этилганлиги, турар жой бинолари атрофларининг ортасталигини сақлаш юмушларига алоҳида эътибор қаратилади.

Хуллас, «БИИ коммуналчи» уй-жой мулкдорлари ширкати бугун узининг тўғри йўлини топганлигига амин бўлди. Асосийси, аҳоли ширкат ходимларига ишонч билдирмоқда, доимо ҳамкорликда ишлашга тайёр. Бир-бирини тушуниш, бир мақсад йўлида интилиш эса ўз самарасини бериши, шубҳасиз.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА
СУРАТЛАРДА: Циолковская кўчасидаги таъмирланган уйлар эндиликда шундай кўркам киефага эга; «БИИ коммуналчи» уй-жой мулкдорлари ширкати бошқаруви раиси Ольга Коваленко ходимлари билан ҳамкорликда келгуси иш режаларини белгилашмоқда.

Ҳакимжон Солиҳов
олган суратлар.

Шарқ дурдоналари



● Хар кимнинг ичи болалар ногораси каби бўлиб, унинг беҳуда овози халқ миясини, ўзининг эса дарвозасини қиртишлайди.

● Яхши сўз бебаҳо бойлик асоси, камгаплик эса саломатлик сармоғисидир.

Сўз айтсанг сен факат фойдали сўз айт, Бу билан жой олгин элнинг дилидан. Бўлмаса сўзламай жим ўтир, чунки, Инсонга не келса

келар тилидан.

● Қадимий Юнон ҳақиқларининг айтишларича, кимки беақл ва энгли бўлса, ўйламай сўзлашда дадил бўлади. Бундай кишилар сўзининг дуру гавҳар эканини ва уни беҳуда сочиш одам учун путур эканини билмайдилар.

● Форс доношмандларидан Барзав ал Ҳаким насихатлари. У ёзади:

— Хар нарсанинг пайдо бўлиши учун бир сабаб бўлади. Шунинг учун нимаки вужудга келган бўлса, аввало унинг сабабини кидирмоқ лозим. Масалан, яхши ҳаёт кеңириш сабаби муро, сирнинг ошқор бўлмалиги сабаби ўзгаларга ёмон ниятда кўз тикмасликда, гина сабаби бадфеъликда, дўстлик сабаби очик юзлиликда, жудолик сабаби азоб, адоват сабаби хилофлик, хорлик сабаби тама, иззат сабаби қаноат, наҳот сабаби ростлик, улуғлик сабаби тавозе.

● Анушервон бир куни Юнондан:

— Энг яхши яшаш нима? — деб сўради.

Юнон унга:

— Саломат бўлиш ва хотиржамликда яшаш — яхши яшашдир. Аммо, яхши ном қолдириш кишининг абадий яшашидир! — деди.

● Хормуз ҳаким сўзларидан.

У айтади:
— Одам учун сазовор нарса шуки, у ҳикмат ўргансин, донолик илмини билсин ва уни юрагига нақш қилсин. Ҳикмат ва фазилатга етишга қаршилиқ, тўсқинлик қилолмайди. Ҳикмат шундай нарсаки, у ўзгармайди ва қасод бўлмайди. Ҳикматни кимки дилига жойлаган бўлса, на ботир, на қахрамон, на подшоҳ ҳеч ким уни тортиб ололмайди. Киши ўз ниятини сўз билан мувофиқ қилсин, токи тили бошқа-ю, дили бошқа бўлсин!

● Бузургмехр айтади:

— Билгинки, ҳаким ўз табиати билан куйидаги хислатларга эга бўлмоғи керак. Биринчи, қўлдан кетиш ва абадий турмаслиги муқаррар бўлган мол билан фахрланмаслик. Иккинчи, бошга келган меҳнатдан кўриб изтироб чекмаслик. Учинчи, келажакда унга муяссар бўладиган давлат учун шодланмаслик. Тўртинчи, ўзига лойиқ ва муносиб бўлмаган нарсани орзу қилмаслик. Бешинчи, етишолмайдиган нарса учун қайғу тортмаслик.

● Уч нарса ўз соҳибига ёмонлик келтиради. Булар куйидагилардир. Биринчи, мансаб эгаларининг кам ҳаракат ва беҳафсалалиги. Иккинчи, олимларнинг серғазаб бўлиши. Учинчи, хотинларнинг бешарм бўлиши.

● Насихат қабул қилмаган кишига насихат қилмоқ ўз қадрини синдирмоқдир. Оқўз кишини очқўзликдан қутқариш учун уринмоқ ўз вақтини беҳуда йўқотмоқдир. Жаҳонда тараққий қилмоқни ихтиёр қилган кишилар иши одобага яқин бўлмоқ, ёмонлик қилишдан қочмоқ, яхши дўстларга суянмоқ ва ҳамсухбат бўлмоқдир.

НАВҚИРОН ЎЗБЕКИСТОН

Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўرғазмалар залида «Навқирон Ўзбекистон» мавзусида санъат фестивали очилди.

Ватанимиз мустақиллигининг 13 йиллигига бағишланган маъжур тадбирнинг очилишида сўзга чиққанлар мамлакатимизда Президент Ислам Каримов ташаббуси билан ёш истеъдод соҳибларини қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш борасида қўллаб хайрли ишлар амалга оширилаётганини қайд этди. Ушбу тадбир ҳам тасвирий санъатнинг турли йўналишларида изланаётган қобилиятли ёшлар-

нинг интилишларини қўллаб-қувватлаш, ижодини кенг тарғиб этишдан иборат.

Тадбир доирасида ташкил этилган кўрғазмада юртимиз билим даргоҳларида тахсил олаётган икки юз нафарга яқин ёш ижодкорларнинг рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлиқ, дизайн, ёғоч ўймакорлиги, бадий кулолчилик, қандакорлик, анъанавий миниатюра, заргарлик, тўқимачилик, гиламдўзликка оид асарлари намойиш этилмоқда.

Фестивалнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Азизхужаев иштирок этди.

АЛИШУВ ДАСТУРЛАРИ

Тошкентдаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида АҚШнинг мамлакатимиздаги элчихонаси 2005 йил алишув дастурларини эълон қилди.

Ўзбекистон таълим муассасалари ва матбуот вакиллари учун уюштирилган қабул маросимида АҚШнинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жон Пуэрнелл АҚШ ҳукумати томонидан молиялаштирилган 2005-2006 академик йилидаги алишув дастурларига Ўзбекистонда қабул жараёни бошланганини эълон қилди. Сўнгги 13 йил давомида 2910 нафар Ўзбекистон фуқароси АҚШга сафар қилиб, бу каби таъ-

лим ва тренинг алишув дастурларида иштирок этган.

«Икки мамлакат орасида ўзаро англашувни мустаҳкамлаш яхши алоқаларни барпо этишдаги муҳим омилдир, — деди Ж.Пуэрнелл. — Ушбу англашувни барпо этишда эса бугун биз тақдим этиб турган алишув дастурларининг ўрни бекиёсдир».

Элчихонанинг Жамоатчилик билан алоқалар бўлими, Америка халқаро таълим

Мақтаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг маъно-моҳияти ва мақсадига кўра, беш йил мобайнида нафақат мавжуд мактаблар қайта қурилди ёки капитал таъмирланди, балки ушбу билим масканлари замонавий ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дарслик ҳамда ўқув-услубий материаллар билан таъминланиши кўзда тутилган. Синф хоналарининг жиҳозланиши бўйича таҳсилга кўра, айни пайтда атиги 29 фоиз мактаблар ўқув лаборатория жиҳозларига эга экан. Бу муаммони ҳал этиш юзасидан ишлаб чиқилган чора-тад-

Ҳукуратимиз томонидан 2004-2009 йилларда умумтаълим тизимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури қабул қилинди. Унда мактаблар моддий техника базасини янада такомиллаштириш ва таълим сифатини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган

БИЛИМ СИФАТИ ОШАДИ

бирларга мувофиқ беш йиллик мулдат давомида мавжуд мактаблардаги 16 минг 187 та турли фан хоналари босқичма-босқич жиҳозланди. Шунингдек, 697 минг 434 та мактабга ўқув мебеллари янгиланади. Буларни амалга ошириш учун Халқ таъ-

Мамлакатимиз пойтахтида «Уральские авиалинии» авиакомпаниясининг расмий ваколатхонаси очилди.

СИЗНИНГ ОРЗУЛАРИНГИЗ — БИЗНИНГ ҚАНОТЛАРИМИЗ

Тошкент ваколатхонаси матбуот хизматининг хабар беришича, эндиликда Ўзбекистон ҳудудида мустақил равишда чипта сотишни ташкил этиш имконияти пайдо бўлди. Агар илгари йўловчилар Тошкент авиакассаларида компания чипталарини эркин сотиб ололмаган бўлса, энди ваколатхона авиакомпаниянинг агентлик тармоғини яратди ва ўз хизматларида очик фойдаланиш имкониятини таъмин-

— Авваламбор, йўловчилар чипта сотиб олиши кулай ва тезкор бўлади, — дейди молиявий директор Елена Икчурина. Авиакомпаниямиз «Сизнинг орзуларингиз — бизнинг қанотларимиз» шiori остида фаолият олиб бориб, Россиянинг етакчи 6 авиакомпанияси сафига қўлади. Компаниянинг йиллик йўловчи айланмаси қарийб 900 минг кишини ташкил этади. У бутун дунё бўйлаб 24 та ваколатхонага эга.

Уза

кенгаши (ACCELS) ва Халқаро тадқиқот ва алишувлар хайъати (IREX) вакиллари қабул маросимига келган меҳмонлар билан учрашиб, уларга алишув дастурларида мавжуд бўлган имкониятлар ва уларда иштирок этиш жараёни ҳақида тушунтириб беришди. АҚШ ҳукумати ACCELS ва IREX каби ноҳукумат ташкилотлари билан ҳамкорликда кенг қўламадаги дастурларни амалга оширмоқда. Иштирокчиларни танлаш алоҳи жараёни уларнинг академик қобилияти, раҳбарлик қобилияти, АҚШда ўқишга тайёрлик ва инглиз тилини билиш даражаси каби омиллар асосида очик мусобақа орқали олиб борилади.

режалаштирилган. Жорий йилда маҳаллий бюджет ҳисобидан икки ярим миллиард сўмга 276 та компьютер харид қилиниб, мактабларга берилмоқда. Шунингдек, бир қатор илмий институтлар ўрасида махсус тендер асосида етигта фан бўйича электрон дарсликлар ҳам ишлаб чиқилиб, таълим муассасаларига етказилмоқда.

Дастурга кўра, билим масканларининг моддий базаси бойитилиб қолмай, балки таълим илоҳотини ривожлантириш орқали сифатли билим бериш имконияти ҳам яратилади.

Аюлдуин ҒАҒҒОРОВ, «Туркистон-пресс»

Шеърнинг бисмолкида

ИСТИҚЛОЛ

Бу неъмат ердаги беҳиштдир асли, Эрк топган эл мудом яшайди кулиб. Шодликларга чўмди ўзбегим насли, Ҳурлик оҳангига юрамиз тўлиб. Озод Ватан, асло буқилмас қаддинг, Ҳилпиратиб туғинг баланд тутамиз. Буюк келажакдур халқим нияти, Бир умр мадҳингни куйлаб ўтамиз.

ЎЗБЕК ҚИЗИ

Гулларни уялтиргай юзларинг, ўзбек қизи, Чўлпон юлдузими, айт, кўзларинг, ўзбек қизи. Қолдим оташ ичида, севгим сиғмас ичимга, Жонимга жон бағишлар сўзларинг, ўзбек қизи. Чиройинг ойдин эрур гар сутга солиштирса, Ой хижолат тортадур ёнингдан қараб ўтса. Кўзларни қамаштирар чаман аро жамолинг, Қиёсингни тополмас ошиқлар олам кезса...

Хурларнинг хури ўзинг, инжунинг дури ўзинг, Жисимига куч берувчи қуёшининг нури ўзинг. Мен Мажнун бечора, сен эса Лайли малак,

Муҳаббат оловини ёндирган кўри ўзинг.

Интизорман васлингга, ташаман рухсорингга, Хижрон занжирин узиб, ошно эт дийдорингга. Кўнглимга тўлиб армон, ўртаниб ох урарман, Ишқ ясар дурдан безак дилнома ашъоримда.

Жаҳондаги барча киз беҳишт хурларисимон, Миллат танламагайдир ифрату хусни-жамол.

Фалат ўйлар сурмангиз мақтасам ўзбек қизин, Халқининг шаънин куйлар Абдугани Сулаймон.

ОҚИБАТ

Инсофли ўсса фарзанд падарга бахт бўлур ёр, Бермаса хуш тарбият яхши сўзга бўлур зор. Вафо кўрмаслик ёмон, жафодан қийналар жон, Ёлғиз қолган жисмига бу кенг дунё тангу тор.

Фарзанд меҳри падарга, мисли гўзал безақдай, Кимки махрум бу бахтдан, умри хасу хашақдай. Отасини ўйламай, онасини ўкситган, Гўёки шоли ичра тишга тегар курмақдай.

Холис ҳакамдир Тангри ҳар ким қилмиши қайтар, Экканни ўрасан, деб

оқиллар нақл айтар, Эртаминзи ўйлайлик, қасослидир бу дунё, Бежиз битилмагандир ҳикматга тўла байтлар.

ТўРТЛИКЛАР

Ҳаёт хангомасидан сабоҳ ол ҳар дам, Илм ила урфондан бўласан бардам.

Донолар нақлига амал қилмасанг Жафолар чиқадурутмаган ердан.

Бадҳоҳларнинг эзгу билан иши йўқ, Аҳмоқликнинг ёзи билан киши йўқ. Нодонлик ҳам ёш танламас, во ажаб, Доноликнинг эрта-ю ё кечи йўқ.

Ҳар қандай эзгу иш ҳимматдан нишон, Бир томчи ёмғирда ҳосил намоён:

Меҳнатқаш захмат — ҳаловат рамзи, Бир ҳовуч буғдойдан кўтарар хирмон.

Номарднинг миннатлик ишидан кўра, Бир ўзинг тоғларнинг қорини кура. Тишларингга тоғни тешган азобнинг, Роҳати миннатдан ортиқ минг қарра. Абдугани СУЛАЙМОН

МИЛОШЕВИЧГА АДВОКАТ ТАЙИНЛАНДИ

Нидерландиянинг Гаага шаҳридаги Халқаро ҳарбий трибунал собиқ Югославиянинг собиқ раҳбари Слободан Милошевичнинг судини давом эттиришга тайёргарлик кўрмоқда. Утган сешанба куни Буюк Британия фуқаролари бўлган ҳуқуқшунослар — Стивен Кей ва Жиллиан Хиггинс айбланувчи учун расмий ҳимоячи этиб тайинланди.

Трибунал С.Милошевични тиббий текширувдан ўтказиб, уни ўз-ўзини ҳимоя қилишга лаёқатсиз деб топганидан сўнг адвокат тайинлашга қарор қилди.

Трибунал қарорига мувофиқ, С.Кей ва Ж.Хиггинс ўзлари маъқул топган гувоҳни қақариш ҳуқуқига эга. Уларга ҳимояни ташкил этиш учун С.Милошевичнинг ўзидан кўрсатма олиш тавсия этилди. Айбланувчи гувоҳларга савол бериш жараёнида фаол иштирок этишга ҳақлидир. Бирок унга қадар бу ишни ҳимоячилар амалга ошириши керак бўлади.

РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси тарқатган хабарга қараганда, С.Милошевич ўзига бириктирилган адвокатларнинг ёрдамидан воз кечмоқда. Унинг фикрича, бу ҳуқуқшунослар айбланувчини эмас, трибунал манфаатларини ҳимоя қилади. Бу вақти қандай изоҳлашга кўпчилик ҳайрон. Лекин собиқ президент адвокатлар билан ҳамкорлик қилишдан бош тортиди:

Шундай бўлса-да, С.Кей икки нафар гувоҳдан кўрсатма олди. Булар — Белград университети профессори, танikli ҳуқуқшунос Смилия Абрамова, иккинчиси эса АҚШ сенатидagi таъқиқ сий масалалар бўйича кўмитанинг собиқ раҳбари Жеймс Жатрасдир.

С.Кейнинг хатти-ҳаракатлари собиқ президентнинг кескин норозилигига сабаб бўлди. У суддан ўзини-ўзи ҳимоя қилиш ҳуқуқини тиклашни талаб қилаётир.

ЎЗА

У неъмат! Таърифи йўқ мавжудлик. Кўнгилдаги бебаҳо маржон. У — илоҳий туҳфа. Ватан остонадан бошланади. Ватанинг катта-кичик, хунук-чиroyлиси бўлмади, шунинг учун кимдир саксовул ва қумга пешона қўйиб, ким шўр тупроқни ўпиб, ким музларга тиз чўкиб «Ватаним» дейди. Айтадиларки, ўзга юртда шох бўлгандан, ўз юртингда гадо бўлган яхши. Ҳа, шоирамиз Турсуной Содиқова айтганларидек:

«Мени шу ерда бор этди,
Ўларда шунда ўлдирсин...»

Ватан ҳақида гапиришдан кўра уни юрак-юрагингиз билан туймоқ лаззатлироқдир!

Лекин, мана шу сеники бўлган Ватанин кимлардир оёқ ости қилганини кўришдан, унинг кимгадир қарамлигини, овоз эмаслигини туйишдан даҳшатлироқ нима бор?!

Одамзод борки, тугилиб ўсган юрти, Ватани тарихини билишга интилади. Мана биз овоз юрт фарзандлари бўлмиш ҳозирги ёшлар, мустақиллик даврида яшаб, ўсиб улғаймоқдамиз. Лекин бизнинг шу фаровон ҳаётга эришишимиз учун ўзларининг катта ҳиссаларини қўшган қадимги аждодаларимизни, мустақиллик учун курашганларини биламизми?

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, мустақиллигимиз йўлида қанчадан-қанча аждодаларимиз шайхид кетдилар. Бизнинг маданиятимизни юксалтиришда, фан тараққиёти йўлида маърифатларвар инсонлар Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Чўлпон каби, Туркистонда жадидчилик намўнадалари бўлмиш Маҳмудхўжа

Бехбудий, Абдулла Авлоний, Мунавварқори Абдурашидхон ўғли каби аждодаларимизнинг ҳиссалари жуда каттадир. Халқимиз тарихи, Ватанимиз ўтмиши ҳақида маълумотлар беришимизда Булат Солиев, Мусажон Саиджонов, Миёнбузрук Солиҳов каби тарихчиларимизнинг ҳам улкан хизматларини алоҳида таъ-

кин, Яратганга шукрлар бўлсинки халқимизнинг метиндек сабр-бардоши, унинг мустақкам иродаси уларнинг ёвуз ниятларини пучга чиқариб, буларнинг барчасини енгиб ўтди.

Нихоят 135 йилдан сўнг эркимиз ва миллий мустақиллигимиз яна қўлга киритилди. Азалий орзу бўлмиш Истиқлолга эришилди. Истиқлол нима?

Дил тубидан

АЗАДИЙ ОРЗУ

Ватан! Ватан нима ўзи? Бу сўз тубида қанчалар кенг маъно ётади. Ватан — бу инсон киндик қони тўқилган, туғилиб ўсган жойидир. Пул чўнтакни тўлдирди, омад уйингизни, дўст атрофингизни дейдилар. Аммо юракларингизнинг қат-қатларига сингиб, томирларингизгача тўлиб сим-сим жон узатиб турадиган ёлғиз шу Ватан!

киллаб ўтишни жон деб билдик. Истиқлолимиз тарихи ҳақида сўз бораркан, уларни эсга олмасликка ҳаққимиз йўқ. Чунки улар ўзлари бу кунларга етмаган бўлсаларда, биз келажак авлод учун жонларини аямдилар. Мустақиллигимиз йўлида, Ватан равнақи йўлида қувғин бўлдилар, шайхид кетдилар.

Собиқ шўро давлати ҳукмронлиги даврида халқимиз қўрқув ва таҳлика остида қолган бир пайтда минглаб соф виждонли, заҳматқаш инсонлар қамоққа олиниб, Сибирь ва Россиянинг чекка ерларига сургун қилиндилар. Ўзбек миллати қораланди, унинг урф-одатлари, маданиятини йўқ қилишга уринишди. Агар рус тилини билмаса хоҳ у олим бўлсин, хоҳ профессор ўз ишидан четла-тиб ташланаверсин. Ле-

Истиқлол халқимизнинг ихтиёри, эрки, ҳақ ҳуқуқи, бахти ўз қўлида, барча ишларни ўзи ҳал қилади, ҳеч кимга тобе эмас деганидир. Истиқлолга эришганимиздан сўнг юртимизда жуда кўп буюк ишлар амалга оширилди. Ўзбек халқи бой маданий, маънавий меросларидан баҳра ола бошлади: Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Имом ал-Бухорий, Улуғбек каби аждодаларимиз бизга қолдирган ўлмас меросларни ўргана ва улардан фахрлана бошладик. Энди бунга бизга ҳеч ким таъқиқлолмади. Буларнинг барчасига эришишимизда истиқлолимиз асосчиси бўлмиш Юртбошимизнинг буюк хизматлари таҳсинга лойиқдир. У ўзбек халқининг миллий-маънавий меросини, қадрини тиклашга ўзининг

катта ҳиссасини қўшган халқсевар инсондир. Халқимиз Истиқлол йилларида эришган салмоқли ютуқларини ҳақли равишда унинг номи ва фаолияти билан боғлайди.

Истиқлолимиз туфайли миллий кадрларимиз, урф-одатларимиз тикланди, тилимизга давлат мақоми берилди. Аждодаларимиз шарафига ҳайкаллар қўйилди, музейлар қурилди.

Хулоса қилиб шунга айтиш мумкинки, биз бугунги Истиқлол фарзандлари мустақиллигининг қадрига етмоғимиз даркор. Аждодаларимизнинг бизга инъом этган бу неъматини кўз қорачиғидай асраб-авайлашимиз керак. Бу кунларга улар етмадилар, биз етдик. Энди биз бугунги ёшлар уларнинг бизлар учун қилган хизматларини оқлашимиз, биз учун яратилган барча имкониятлардан оқилона фойдаланиб, билим олиб, юртимиз учун керакли инсон бўлиб етишишимиз ва унинг равнақи, бундан-да гуллаб яшнаши учун ўз ҳиссамизни қўшмоғимиз лозимдир. Шу ўринда сўзларимизни мухтасар қилиб таниқил-шоиримиз Абдулла Ориповнинг куйидаги мисралари билан нуқта қўймоқчимиз:

Завол кўрма ҳеч қачон ўлкам,
Завол билма шу ёшинг билан.
Музаффар бўл, голиб бўл, ўктам,
Дўсту ёринг қардошинг билан.
Нодира ҲАМИТОВА,
Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети талабаси.

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

Катта ҳажмли сув ўтказгич тармоқларида таъмирлаш ишлари олиб борилиши, шунингдек 2004 йил кузги-қишқи мавсумига тайёргарлик кўриш муносабати билан ДУК «Сувсоз» трести истеъмолчиларга ичимлик сув босимининг пасайиши ва бўлмаслиги ҳақида қуйидагиларни маълум қилади:

13 сентябрь соат 9.00 дан 14 сентябрь соат 9.00 гача

1. Мирзо Улуғбек туманидаги Қорасув — 1, 2, 3, 4 мавзеларида сув бўлмайди.

14 сентябрь соат 9.00 дан 15 сентябрь соат 9.00 гача

1. Собир Раҳимов туманидаги Талабалар шаҳарчаси, В.Жумаев кўчаси ва тор кўчаларида, Ходжаева, Зарбдор кўчаларида, Шайхонтоҳур туманидаги «Жарариқ», «Ўзбекистон», «Белтепа» маҳаллаларида, Хувайдо мевзеида, Ф.Маликов, Ўзбекистон, Меҳмонона кўчаларида сув бўлмайди.

16 сентябрь соат 9.00 дан 17 сентябрь соат 9.00 гача

1. Акмал Икромов туманидаги «Катта-қазни», «Қози Тузар» маҳаллаларида, 24, 26-дахаларида сув бўлмайди.

21 сентябрь соат 9.00 дан 22 сентябрь соат 9.00 гача

1. Акмал Икромов туманидаги 11, 12-дахаларда сув босими пасаяди.
2. Акмал Икромов туманидаги 11-

даҳа № 16, 19, 20, 23, 24-кўп қаватли уйларда, Шайхзода кўчасида сув бўлмайди.

22 сентябрь соат 9.00 дан 23 сентябрь соат 9.00 гача

1. Юнусобод туманидаги марказ — 4 мавзесида сув босими пасаяди.
2. Юнусобод туманидаги Ф.Мавлонов, Ниёзбек, Х.Эргашев, Софийский ва унга туташ кўчаларда сув бўлмайди.

27 сентябрь соат 9.00 дан 28 сентябрь соат 9.00 гача

1. Шайхонтоҳур туманидаги Уйғур, Мусахонов, Беҳзод, Зиё Саид, Улуғбек кўчаларида, Акмал Икромов туманидаги Зиё Саид кўчаси ва унга туташ кўчаларда сув бўлмайди.

28 сентябрь соат 9.00 дан 29 сентябрь соат 9.00 гача

1. Юнусобод туманидаги 11, 12, 4, 5, 7-дахаларида, «Шодлик» маҳалласида сув бўлмайди.

29 сентябрь соат 9.00 дан 30 сентябрь соат 21.00 гача

1. Сергели туманидаги Чоштепа

кўчаси ва унга туташ кўчаларда сув бўлмайди.

5 октябрь соат 9.00 дан 6 октябрь соат 9.00 гача

1. Миробод туманида умумий сув босими пасаяди.
2. Ҳамза туманидаги М.Ашрафий, Алимкент, Хавос, Бойсун кўчалари ва унга туташ кўчаларда Миробод туманидаги Янгизамон, Бехтерова, Фитрат мавзеларида, Сарикул, Фитрат, Фетисова кўчаларида ва унга туташ кўчаларда Сергели туманидаги Чоштепа кўчасида сув бўлмайди.

6 октябрь соат 9.00 дан 6 октябрь соат 22.00 гача

1. Миробод туманидаги Нукус, Ойбек, П.Ржевского, Мичурин, Мироншоҳ, Миробод кўчаларида сув бўлмайди.

Сув бўлмаган жойларга сув ташувчи махсус автомашиналар юборилади.
Телефонлар: 133-15-95, 133-75-95, 152-60-08

Футбол

ХАМЮРТЛА-РИМИЗНИНГ ҲАМКУШМАДИ

Японияда футбол бўйича ўсмирлар ўртасида Осиё чемпионати мусобақалари ўтказилаётганлигидан муҳлисларимизнинг хабарлари бор, албатта.

Ушбу нуфузли мусобақаларда иқтидорли мураббий Ислоҳ Аҳмедов етакчилигида «Д» гуруҳида қатнашаётган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси дастлабки беллашувда бангладешлик тенгқурлари билан ўйнаб 1:1 ҳисобидаги жангдор дурангни кўлга киритганди. Кунги кеча Ироқ ўсмирлар терма жамоасига қарши куч синашган ҳамюртларимизга омад кулиб божмади. Учрашувнинг 7-дақиқасида Нур Алдин Мохсан томонидан киритилган гол ироқликларни ҳисобда олдинга олиб чиққанига қарамай, 16-дақиқада Лутфулла Жўраев аниқ зарба билан рақиб дарвозасини нишонга олиб ҳисобни тенглаштирди. Бироқ учрашувга пухта ҳозирлик кўрган ироқликлар Ислоҳ Аҳмедов шогирдлари дарвозасини яна уч марта ишғол этишди 67, 77, 90-дақиқаларда Ақром Жаббор, Ажил Хамид, Аҳмад Муҳсинлар томонидан йўланган тўплар учрашувнинг 4:1 ҳисобида ироқликлар галабаси билан яқунлигини тасминлади.

Қолган учрашувларда куйидаги натижалар қайд этилди. «А» гуруҳи. 2-тур. Таиланд-Япония — 2:1, КХДР-Хитой — 1:2, 3-тур. Хитой-Япония — 1:3, Таиланд-КХДР — 1:4. «В» гуруҳи. 2, 3-турлар. Уммон-Вьетнам — 2:1, Лаос-Жанубий Корея — 0:8, Жанубий Корея-Вьетнам — 1:0, Уммон-Лаос — 2:0. «С» гуруҳи. — Эрон-Малайзия — 5:0, Кувайт-Ҳиндистон — 2:1. «Д» гуруҳи. Бангладеш-Қатар — 1:6.

ЛЕГИОНЕРЛАР СОНИ КўПАЙДИ

Россия, Беларуссия, Украина, Қозоғистон мамлакатлари жамоаларида тўп сураётган ўзбекистонлик легионер футболчиларнинг сони яна биттага кўпайди.

Чирчиқнинг «Кимёгар» жамоаси аъзоси Янис Манзуқал Минск шаҳри жамоаси «МТП-РПО» шарафини ҳимоя қиладиган бўлди.

(Ўз муҳбиримиз)

Ўзбекистон Республикаси Қизил Ярим Ой жамоати Миллий Кенгаши, Тошкент шаҳар Кенгаши жамоаси Қизил Ярим Ой жамоатининг Мирзо Улуғбек тумани Кенгаши раиси

РАИСА ИНАГАМОВА НУРМАТОВАНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.



Давоми. Боши 1-бетда.

Чорак финал баҳсларида Зеннинг омади келмади. Агарда вазият ўзгариб, унинг ўрнида кўрғач ҳамюртимиз Куценко тушганида, албатта ярим финалгача чиқиши шубҳасиз бўларди дейиш мумкин. Зеро, қувайтлик Муҳаммед Фароб ҳеч ҳам Куценко билан учрашиш истагида эмас эди. Аммо... «Ғолиб бўлиш осон эмас, чемпионликни ҳимоя қилиш эса унданда қийин экан».—шундай изох берди ўзининг мағлубиятига Вадим.

Ўзбекистонлик теннис ихлосмандлари покстонлик Айсам Курешининг ўйинларини катта завқ билан кузатиб бордилар. Буни ҳафта давомида томошабинлар Курешини тез-тез олқишлаб турганларидан ҳам сезиш қийин эмасди. Покстоннинг биринчи ракеткаси Ўзбекистонга кўп йиллардан бери келади, шу жумладан Осиё чемпионати турнирларида ҳам қатнашган, Айсамнинг ўзи таъкидлашчи, унинг ягона мақсади чемпионатда галаба қозониб, «Австралиан опен» йўланмасини кўлга киритиш ва яқин орада юзликдаги профессионал теннисчилар қаторидан ўрин эгаллашдир. Лекин, афсуски, Айсамнинг финалда тайпейлик Ю Ванд билан беллашуви қизгин кечган бўлса ҳам, муваффақият келтирмади. «Надомат чекиб ўтириш мен учун ярашмайди»,—деди матбуот конференциясида Айсам Курешини.—Ўз мақсадим сари интилишларимни давом эттирмаман. Агар келгуси йили Осиё чемпионати яна Тошкентда ўтказилайдиган бўлса, мен учун қадрдон бўлиб қолган бу шаҳарга қайтиб, албатта ғолиблик учун яна курашаман».

Кўпчилик—мураббийлар, ташкилотчилар, ҳаттоки томошабинлар ҳам турнирнинг дастлабки беллашувлари натижаларига кўра ўзбекистонлик Дмитрий Мазур ғолибликни кўлга киритади деб оқиқ-ойдин баҳорат қила бошлашган эди. Даржақат, Дмитрий турнирни яхши бошлади. «Квалифайн»—саралашдан чиқиб, иккинчи даврада кучли теннисчи ҳисобланган тайпейлик Ти Ченни мағлуб этди. Бироқ, спортчилар таъбири билан айтганда, олдидан ҳулоса чиқариш ҳақиқатан бўлмас экан. Нимчоракдан сўнг Мазур кортни тарк этишга мажбур бўлди.

Эрнест Резерфорд ўзига ёрдамчилар танлашда галати йўл тутарди. Янги ходими ишга олган захоти вазифа топширарди, агар ҳодим бу вазифани бажаргандан кейин келиб, энди нима қилай деб сўраса, дарҳол уни бўшатиб юборарди.

Бир кунги кечқурун Резерфорд лабораторияга кирди. Қараса битта шогирди асбоб-ускуналар орасида ўралашиб юрибди.

— Кеч қолиб кетибсиз-ку, нима қиляпсиз? — Ишлаяпман.

Шу билан бирга кўпчилик учун қўпчилигимиздан Мурод Иноятов ва Денис Истоминлар ажойиб ўйин кўрсатишди. Деярли ҳар бир матчда маҳорати ва тажрибаси жиҳатидан ўзларидан анча кучли ҳисобланган Досқараев—Си (Қозоғистон — Малайзия), До — Далодум (Вьетнам — Хитой Тайпей), Кедрюк—Куценко (Қозоғистон—Ўзбекистон), Чуанг—Ким (Жанубий Корея) жуфтликларига

да шохсуна учун яхши тайёргарлик кўриш мақсадида жуфтлик ўйинларида бахшлашидан бош тортганди. Дарвоқе, Санянинг тайпейлик Тонзалидан кўчи баланд келди, лекин финалда унга омад кулиб божмади.

«Харбий марш садолари янграмоқда. «Тошкент теннис маркази» спорт мажмуаси марказий кортга спортчилар—чемпионатнинг барча иштирокчилари чиқиб саф торттишди. Кортга «Осиё чемпио-


— Осиё чемпионати ғолибларини тақдирлаш маросимида иккинчи мартаба қатнашиш мен учун шарафлидир. — деди «Австралиан опен» турнири ташкилий кўмитаси вакили Ричи Ги. —Осиё китясида теннисни кўллаб-қувватлаш бизнинг асосий ва муҳим вазифаримиздан ҳисобланади. Ҳар йили Осиё чемпионатининг аёллар ва эркеклар ўртасидаги мусобақалар ғолиблари «Катта дубулга» туркумидаги тўртта нуфузли турнирлардан бири — Австралианинг очик чемпионатида wild card олинган муваффақ бўладилар. Бу эса уларнинг саралаш босқичидан ўтмасдан турнирнинг кучли ракеткалари билан тенгма-тенг беллашиб, тажриба ва маҳорат оширишлариға имкон беради. 2005 йил биз учун алоҳида аҳамиятга эгадир. Келгуси йили «Австралиан опен»нинг 100 йиллиги нишонлиши кўпчилик иштирокчилар, шу жумладан Тошкентда чемпионлик шохсунасига чиққан хитойлик На Ли ва тайпейлик Ю-Зу Ван учун ҳам ёлдида сакланишиға ишониб қоламиз. Барча теннисчиларға зафарлар ёр бўлсин.

Бу йилги Осиё чемпионати доирасида бўлиб ўтган галдаги ОТФ директорлар кенгаши ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди. Гап шундаки, кенгашда Тошкент яна уч йил — 2005-2007 йиллар давомида кетма-кет Осиё чемпионати раётига бўлиб қолиши тўғрисида қарор қабул қилинди. Ўз-ўзидан биз яна Тошкентда кўришгунча деб қоламиз.

«Епилиш маросимидан ярим соат ўтган «Тошкент теннис маркази» кортлари сукунатга қўмди. Вақти-вақти билан коттоқлар зарбалари спортчиларнинг корт устида охишта товуш чиқариб беғуҳто югуришларининг акс садоси узок-узоклардан эшитиларди. Бироқ теннис муҳлислари бу билан барча нарсига нукта қўйилмаганини яхши билишади. Роппа-

Осиё чемпионати—2004

ЯНА ПОЙТАХТДА УЧРАШГУНЧА!



қарши мурасасиз курашиб, ўзбекистонлик теннисчилар ғолибликни кўлга киритишди. Уларнинг бу муваффақияти турнир яқунлигини таъкидлашчи, унинг ягона мақсади чемпионатда галаба қозониб, «Австралиан опен» йўланмасини кўлга киритиш ва яқин орада юзликдаги профессионал теннисчилар қаторидан ўрин эгаллашдир. Лекин, афсуски, Айсамнинг финалда тайпейлик Ю Ванд билан беллашуви қизгин кечган бўлса ҳам, муваффақият келтирмади. «Надомат чекиб ўтириш мен учун ярашмайди»,—деди матбуот конференциясида Айсам Курешини.—Ўз мақсадим сари интилишларимни давом эттирмаман. Агар келгуси йили Осиё чемпионати яна Тошкентда ўтказилайдиган бўлса, мен учун қадрдон бўлиб қолган бу шаҳарга қайтиб, албатта ғолиблик учун яна курашаман».

Кўпчилик—мураббийлар, ташкилотчилар, ҳаттоки томошабинлар ҳам турнирнинг дастлабки беллашувлари натижаларига кўра ўзбекистонлик Дмитрий Мазур ғолибликни кўлга киритади деб оқиқ-ойдин баҳорат қила бошлашган эди. Даржақат, Дмитрий турнирни яхши бошлади. «Квалифайн»—саралашдан чиқиб, иккинчи даврада кучли теннисчи ҳисобланган тайпейлик Ти Ченни мағлуб этди. Бироқ, спортчилар таъбири билан айтганда, олдидан ҳулоса чиқариш ҳақиқатан бўлмас экан. Нимчоракдан сўнг Мазур кортни тарк этишга мажбур бўлди.


Иванна Исроилова ҳиндистонлик Рүшми Чакраварти билан бўлган баҳсада яхши ўйин кўрсатган бўлса, иккинчи давра ўйинларида хитойлик На Лиға имкониятларини бой берди. Ўз навбатида, турнир жадвалида иккинчи рақамда сараланган На Ли барча тўсиқларини енгиб, финалга етиб келди ва икки сетда осонлик билан ҳиндистонлик теннисчи Саня Мирзани ютиб, турнир ғолибига айланди.

Таъкидлаш лозимки, Саня Мирза финалга икки кун қолгани

нати — 2004» ташкилотчилари — Осиё теннис федерацияси президенти Сальвадор Андрада, ОТФ бош қотиби Амид Бхан, «Австралиан опен» турнири ташкилий кўмитаси аъзоси Ричи Ги, Тошкент шаҳар ҳокими Рустам Шобадурхонов ва Ўзбекистон теннис федерацияси бош қотиби Игорь Шеллевлар тақдирлаш эдилдилар.

— Ўзбекистонда учинчи мартаба бўлди якури саняча Осиё чемпионатининг ўтказилаётган мамлакатининг Осиё китясида обрўси якури эканлигидан ёркин далолатдир, — деб таъкидлаб ўтди ғолиб ва совриндорларни тақдирлаш маросимида Осиё теннис федерацияси бош қотиби Амид Бхан. —Тенниснинг шиддатли равишда ривожланишида Ўзбекистон нафақат Осиё китясида намуна бўлиб етакчилик қилмоқда. У АТР ва WTA таснифидаги мусобақалар иштирокчиси ҳамда нуфузли турнирлар ташкилотида сифатида ҳам спорт оламида алоҳида ўрин тутайди. Шубҳасиз, бу борада Ўзбекистон Президентини Ислоҳ Каримовнинг бевосита профессионал ва оммавий теннис ривожига катта ҳисса қўшаётганини алоҳида таъкидлашимиз лозим. Фурсатдан фойдаланиб, Осиё ва жаҳон теннисига қўшган улкан ҳиссаси учун мамлакатининг Президенти Ислоҳ Каримовға Осиё теннис федерацияси номидан махсус совринни топширишға ижозат берсангиз.

—Бундай хаяжонли дақиқалар



роса бир ойдан сўнг Тошкент кортлари яна дунёнинг кучли теннисчиларини қабул қилади. 11 октябрдан бошлаб аёллар ўртасидаги «Тошкент опен» мусобақаларига старт берилади.

ИЛЬМИРА ЗАЙНУТДИНОВА СУРАТЛАРДА: финал ўйинлари ва ғолибларни тақдирлаш маросимидан лавҳалар.

Рустам Шарипов олган суратлар.

Қаққаз

— Кундузи нима қиласиз?
— Ишлаймман албатта.
— Тонг отарда ҳам ишлайсизми?
— Ха, — деди шогирд машхур олимдан мактовсиз, — кечаю кундуз ишлаймман, жаноб профессор.

Резерфорд қовоғини солиб, зарда билан сўради:

— Ҳой, менга қаранг! Агар қуну тун ишласангиз, қачон ўйлайсиз?

Кунлардан бир кун Александр Сергеевич Пушкин журнал ноширига мактуб йўллаб, ўзига тегишли қалам ҳақини сўрабди. Тахририят шоирға ёзган жавоб хатида

шундай саволлар бор экан:
— Пулни душанба кунги оланингиз қулайроқми ёки сешанбами? Икки юз сўмнинг ҳаммасини биратўла оланингизми ёки олдин юз сўми ҳам қиёямми?
Шоир қисқа жавоб қилибди:
— Душанба сешанбадан яхши, икки юз сўм эса юз сўмдан яхши».

— Француз тилини ўрганиш қийинми?— деб сўрабди бир номин Ҳайнедан.

— Мутлақо қийин эмас! — деб жавоб берибди машхур шоир. — Шунчаки немисча сўзлар ўрниға французча сўзларни қўйиб гапирарсангиз.



Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70; эълонлар — 133-28-95, 136-57-65; факс: (3712) 133-21-56

Ҳажини — 2 боғма табоқ офсет услуди босилди. 2812 нуссада босилди. Қотоз биними А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Наширн етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимлариға ёки «Тошкент почтамини»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнигиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси боғмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41-уй.